

2025 йил 16-декабр

# Эълон: “Ўзкимёсаноат” АЖ тармоқ корхоналари ёшлари диққатига!



**E'LON** 

**TARMOQ  
KORXONALARI YOSH  
MUTAXASSISLARI  
DIQQATIGA!**





 @uzkiyosanoat  uzkiyosanoat.uz  uzkiyosanoat

Экологик тоза энергия, энергия самардорлиги ва рақамли инновациялар бўйича лойиҳаларга қизиқасизми?

Унда бу сиз учун зўр имконият!

ЕСО минтақаси учун Тоза энергия маркази (СЕСЕСО) томонидан СЕСЕСО Clean Energy Hackathon 2026 халқаро ҳакатони бўлиб ўтади. Ҳакатон ёшларнинг тоза энергия, энергия самарадорлиги ва рақамли инновациялар соҳасидаги ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

### **Ариза учун талаб этиладиган маълумотлар:**

- Тўлиқ исм-шариф
- Электрон почта манзили ва телефон рақами
- Фуқаролиги ёки яшаш мамлакати
- 16-35 ёш оралиғида эканлигини ҳамда СЕСЕСОга аъзо давлат фуқароси ёки резиденти эканлигини тасдиқловчи миллий шахсни тасдиқловчи ҳужжат, паспорт ёки яшаш гувоҳномасининг скан нусхаси
- Қисқача таржимаи ҳол (150 сўзгача)

### **Мукофотлар қуйидагича:**

- 1-ўрин — 3 000 АҚШ доллари
- 2-ўрин — 1 500 АҚШ доллари
- 3-ўрин — 500 АҚШ доллари

Тақдирлаш маросими 2026-йил 26-январ куни Озарбайжон Республикасининг Боку шаҳрида бўлиб ўтади.

- Йўл ва яшаш харажатлари ташкилотчилар томонидан тўлиқ қоплаб берилади.
- Барча иштирокчиларга халқаро сертификатлар топширилади.

### **Аризаларни топшириш тартиби:**

- Муддат: 2025-йил 30-декабргача
- Электрон почта: [secretariat@cec-eco.net](mailto:secretariat@cec-eco.net)
- Телеграм: [@davron\\_uk](https://t.me/davron_uk)

### **Батафсил маълумот учун:**

<https://drive.google.com/file/d/1MkUjAC0zg5LQMszeV6kEt4GOblUY4OWw/view>

Ёшларимизни ушбу халқаро ҳакатонда фаол иштирок этишга, инновацион ғоялари билан экологик тоза энергетика соҳаси ривожига ўз ҳиссаларини қўшишга чақирамиз.

### **source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/elon-uzkimyosanoat-azh-tarmoq-korhonalari-yoshlari-diqqatiga>